БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 23 (18.201). • 28 январь 1982 йил, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Партия режаларини бажарамиз!

ЎЗБЕКИСТОН ишчилари, инженер-техник ходимлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини фидокорона меҳнат, юксак ғайрат-шижоат билан нишонладилар. Улар республика олдида турган катта вазифалар бажарилибгина қолмай, ошириб бажарилиши ҳам мумкин эканлигини яққол тасдиқладилар. Ўтган йили республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,1 процент кўпайди, қўшимча равишда 326 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пландан ташқари 230 миллион сўмликдан ортиқ ҳар хил буюмлар реализация қилинди.

27 январь куни Тошкентда саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат ходимлари республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари юқорида келтирилган фактларни мамнуният билан таъкидладилар. Йиғилишда қатнашиш учун область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг, область ижроия комитетлари раисларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, саноат бирлашмалари ва корхоналари, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат корхоналарининг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, халқ контроли органларининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари таклиф этилди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СССР 60

БАРВАҚТ ҚУРАМИЗ — БАРВАҚТ ЎЗЛАШТИРАМИЗ!

ТОШКЕНТДА ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

27 январь. Тошкентда тантанали митинг. Минбарда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов.
А. Авазов ва В. Кавелин фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН диёрига хушхабар тарқалди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналарининг қурувчиларини, монтажчиларини, ишлатувчиларини — барча қурилиш қатнашчиларини ҳамма ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан олинган 1981 йилги социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги билан самимий табриклади.

Совет кишиларининг фаровонлигини муттасил оширишнинг КПСС XXVI съезди белгилаб берган программасига мувофиқ республикада халққа керакли юқори сифатли моллар ишлаб чиқариш учун яхши жиҳозланган, бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда ва қишлоқ аҳоли пунктларида кўпдан-кўп филиаллари бўлган қудратли замонавий корхоналарни барпо этиш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. «Барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз!» шиори, «Ишчи эстафетаси» принципи бу корхоналарни қуришда асосий шиор ва принцип бўлиб қолди, шу туфайли янги қувватларни қуриш, ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатларини изчиллик билан қисқартиришга эришилди. Шу катта ва муҳим халқ хўжалик ишининг барча қатнашчилари сарфлаган куч-ғайратларни юксак баҳолаган ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси республиканинг ҳамма жойида ҳақиқий мукофот деб, партия билан халқ зўр ишончининг ифодаси деб кутиб олинди.

27 январь куни Тошкентда республика меҳнаткашлари вакилларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланган кўп кишилик митинги бўлиб ўтди. Бу тантанада қатнашиш учун республика ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, қурилиш, монтаж, созлаш ва лойиҳа ташкилотларининг, бинокорлик индустрияси ва енгил саноат корхоналарининг ходимлари, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол активларининг вакиллари келдилар.

Митингни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Н. Греков очди.

Митинг аҳли замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан якдилона фахрий президиумга сайлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади.

Бугун биз, деди у, ғоят қувончли воқеа — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневдан республика енгил саноат корхоналарининг меҳнатда катта ғалабага эришган қурувчиларига, монтажчиларига, ишлатувчиларига — барча қурилиш қатнашчиларига табрикнома олиниши муносабати билан тантанали митингга тўпландик.

Улар КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан иқтисодий ва социал ривожланиш улуғвор программасини бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, ўтган йили енгил индустриянинг планлаштирилган ҳамма объектлари ишга туширилишини таъминладилар. Қурилиш муддати қисқартирилганлиги, янги қувватлар ўзлаштирилганлиги ва мавжуд қувватлардан фойдаланиш доимо яхшиланганлиги тармоқ коллективларига ўninчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини 39,9 процент, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эса план топшириғида белгиланган 4 процент ўрнига 7,2 процент кўпайтириш имконини берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республика енгил саноати корхоналарининг қурувчиларини, монтажчиларини, ишлатувчиларини — барча қурилиш иштирокчиларини шу юксак ютуқлар билан сидқидилдан табриклади.

Ш. Р. Рашидов Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССР енгил саноати корхоналарининг қурувчиларига, монтажчиларига, ишлатувчиларига — барча қурилиш қатнашчиларига йўллаган табрикномасини гулдурос, давомли қарсаклар остида ўқиб эшиттиради.

Азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси — республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга булади, — деди сўзига Ш. Р. Рашидов. — Бу табрикнома янги шонли меҳнат зафарларига чорлайди. Унда зўр халқ хўжалик аҳамиятига молик вазифалар қўйилган, партия ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, меҳнат коллективлари учун, енгил саноат ва капитал қурилишдаги барча ходимлар учун жанговар ҳаракат программаси чизиб берилган.

Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини бажариш КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кураш да енгил саноат ва қурилиш ходимлари, республиканинг барча меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширишга кўмаклашади.

Самимий табрик сўзлари учун, меҳнатимизга берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур билдиришга ва ўртага қўйилган ҳамма вазифалар шараф билан бажарилади, деб ваъда қилишга ижозат бергайсизлар.

Партиямиз енгил саноатни жадал ва узлуксиз ривожлантириш, халқ истеъмол қилладиган моллар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтириш масалаларини ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билиб келди ва шундай деб билмоқда. КПСС XXVI съезди бу тармоққа алоҳида эътибор берди. Республика партия ташкилоти партия режаларини амалга ошира бориб, кейинги йилларда енгил индустрияни янада ривожлантириш учун кўп иш қилди. Ўтган йилнинг ўзидагина 1980 йилга нисбатан қариб икки баравар кўп асосий фондлар ишга тушурилди. Андижон, Бухоро ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида янги катта қувватлар ишга тушурилди ва маҳсулот бериб турибди.

Қисқа муддатда мана шу тўқимачилик комбинатларининг 13 та филиали, жумладан Қўрғонтепа, Пахтаобод, Марҳамат, Янгиқўрғон, Бешариқ, Риштон, Вобкент, Гиждувон шаҳарларидаги ва Чуама қишлоғидаги филиаллари техникавий жиҳатидан юксак савияда қурилиб ишга тушурилди. Янги қувватлар йилига қўшимча равишда 20 минг тонна калава ип ва 106 миллион метр газлама ишлаб чиқариш имконини беради. Бунинг маъноси шуки, биргина 1981 йилги ишга тушурилган республикада ип-газлама ишлаб чиқарадиган қувватлар бир ярим баравар кўпайди.

Республикамизда енгил саноат корхоналари уй-жой, маданий-маиший объектлар билан бир комплекс тарзида қурилаётганлиги диққатга сазовордир. Бўлтур ишлаб чиқариш объектлари билан айни бир вақтда тармоқ коллективлари учун 93 минг квадрат метр уй-жой, 2200 ўринли болалар муассасалари, 720 ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 200 ўринли шонер лагерлари, 100 ўринли профилакторийлар ва 1000 ўринли ошхоналар қуриб битказилди.

Бу эса корхоналарга кадрлар қабул қилиш ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш суръатларини қисқартириш имконини беради.

Шундай қилиб, республика партия ташкилотининг кичик шаҳарларда, район марказларида ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларида, бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган жойларда тўқимачилик комбинатларининг филиалларини барпо этиш йўли билан енгил саноатни ривожлантириш юзасидан бошлаган йўли ўзини тўла-тўкис оқлади.

Биз ўнинчи беш йилликда бу йўлда дастлабки қадамларни қўйиб, йилига 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқара оладиган 62 та филиал барпо этган эдик. Ҳозир бу филиаллар 75 тага етди. Уларда 15 мингдан ортиқ киши ишлаб турибди.

1981 йилда филиаллар 119 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу филиаллар ҳашар усулида 9-12 ой ичида ёки норматив муддатлардан икки-уч баравар тезроқ қуриб битказилганлиги қувончлидир. Ғоят серунум машина-ускуналар билан жиҳозланган бу корхоналар фан-техника тараққиётининг замонавий талабларига тўла-тўкис мос келади.

Қардош республикалар қўлгина шаҳарлари ва областларининг лойиҳа, монтаж ва созлаш ташкилотлари бу филиалларни лойиҳалаш ва қуришда, ишлатувчи ходимларнинг малакали кадрларини ўз вақтида, тайёрлашда ҳатто қатнашдилар. Москва, Ленинград, Краснодар, Олмаота, Раменск турдош корхоналари катта ёрдам бердилар.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари қисқа муддатларда барпо этилиб, ишга туширилганлиги — партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари сабот билан ўтказган сиёсий ва ташкилотчилик ишининг, қурувчилар, монтажчилар ва созловчилар, лойиҳа ташкилотларининг ва бинокорлик индустрияси корхоналарининг ходимлари, енгил саноат корхоналарининг коллективлари қилган фидокорона меҳнатнинг натижасидир. Улар тармоқдаги янги ишлаб чиқариш қувватларини жадал ишга туширишда ва ўзлаштириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорлари ва доимий иштирокчилари бўлдилар.

Биз уларнинг ютуқлари билан фахрланамиз ва кўп миллатли Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бироқ, совет кишилари кибр-ҳавога беридишга, эришилган натижа билан кифояланиб қолишга одатланган эмаслар. Филиаллар қуриш соҳасидаги тажрибани кенг оммалаштириш, янги қувватларни ўзлаштириш — беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон ССР қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари шуни яхши англаб, енгил саноатдаги янги қувватларни қуриш, ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун амалий мусобақани кенг авж олдириб, ўз эммаларига ошириллган мажбуриятлар қабул қилишди. Улар беш йилликнинг иккинчи йилида ишга туширилиадиган қурилишларга зарур меҳнат ва материал ресурсларини ўйғунлаштириб, резервлардан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини жорий қилиш ҳисобига капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 20 декабргача бажаришни таъминлашга қарор бердилар.

Жами 195 минг йиғирув урчуғи ва 6756 та тўқув дастгоҳи бўлган, шунингдек йилига 1,5 миллион метр тайёр шойи газлама ва 1,5 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарадиган енгил саноатнинг ҳамма ишга туширилиадиган объектларини белгиланган муддатдан бир-уч ой илгари фойдаланишга топширишга қарор берилди.

Қабул қилинган тигиз социалистик мажбуриятлар, шу мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун 1982 йилнинг дастлабки кунлариданоқ кенг қулоч ёздирилган социалистик мусобақа — ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасига муносиб жавобдир.

Партия, совет ташкилотлари, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари шу мажбуриятларнинг бажарилиши устидан қатъий контролликни таъминлашлари, мусобақанинг ҳар бир қатнашчиси тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини оммалаштиришлари лозим. Серунум, самарали ишлаш учун, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим.

Республика қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари партия билан ҳукуматга, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этдилар. Леонид Ильич Брежнев табрикномасидаги самимий сўзлар илҳом бахш этмоқда, меҳнатда янги-янги зафарларга чорламоқда, дея якдиллик билан таъкидлашди митинг қатнашчилари. Улар бундан бўёнги иш режаларини ўртоқлашдилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада ўз коллективлари белгилаган марраларини айтиб бердилар. Мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги қудратли ва енгилмас куч бўлиб, партия чизиб берган коммунистик бунёдкорлик йўлида муваффақиятли равишда олға ҳаракат қилишнинг гарови эканини нотиқлар уқтириб ўтишди.

Митинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга тўла якдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

Тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. СУСЛОВни дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясидан

Ҳукумат комиссияси шуни маълум қиладики, марҳум М. А. Суслов билан видолашиш учун Союзлар уйининг Колонна зали 28 январь соат 10 дан 18 гача ва 29 январь эрталаб соат 9 дан 11 гача очиқ бўлади.

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИ:

СССР 60 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1982 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб ва якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, Советлар мамлакатининг барча меҳнаткашлари билан биргаликда КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида олға сурилган қоидаларни ва вазифаларни амалга ошира бориб, коммунистик яратувчилик вазифаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, бутун кучларини ўн биринчи беш йилликда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планларини бажариш ва ошириб бажаришга қаратмоқдалар. 1981 йилда хўжалик ва маданий қурилишда янги ютуқларга эришилди. Аввалги йилдагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 процент, меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ошди, асосий фондлар 4,5 миллиард сўмлик кўпайди.

Саноатнинг халқ хўжалигида техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлари илдам суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўтган йили қора металлургияда маҳсулот ишлаб чиқариш 9,5 процент, газ саноатида деярли 10 процент, электротехника саноатида 6,5 процент, химия саноатида 6 процентдан знёдроқ, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш эса 15 процентдан знёдроқ кўпайди.

Республика саноати партия олға сурган асосий вазифа—совет кишилари фаровонлиги даражасини ошириш вазифасини бажара бориб, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Маҳаллий саноат ишлаб чиқараётган маҳсулот деярли 11 процент, мебель саноати маҳсулоти 10 процентдан знёдроқ, енгил саноат маҳсулоти 7,3 процент, балиқ хўжалиги корхоналари маҳсулоти 9,8 процент, мева-сабзавот хўжалиги етиштираётган маҳсулот 8,4 процент кўпайди. Аҳолига 11 миллиард сўмлик товарлар сотилди. Жумладан, планга қўшимча 141 миллион сўмлик товар сотилди, 332,5 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш учун кураш кенг авж олди. Янги техника учун сарфлар 180 миллион сўмни ташкил этди.

Республикада катта саноат қурилиши бормоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида юздан ортиқ корхоналар ва саноат қувватлари, жумладан, Муборак шаҳрида газни қайта ишлаш ва олтингугурт олиш қурилмаси, Навоий электрохимия заводида акрекс ишлаб чиқарувчи қурилма, Қарши шаҳрида нон заводи, Чирчиқ шаҳрида сут заводи, Ангрен керамика заводи, Косонсой ёғ-экстракция заводи ишга туширилди. Чирчиқ дарёсида Ўрта Чирчиқ ГЭСлари каскади қурилиши тугалланди. Республика меҳнаткашлари 6 миллион квадрат метр уй-жой, ўнлаб мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, даволаш, маданий ва бошқа муассасаларни олдилар.

Транспорт ва алоқанинг ҳамма турлари янада ривожланди. Темирйўлчилар, автомобилчилар, авиаторлар планга қўшимча равишда 26,5 миллион пассажир ва 5 миллион тоннадан кўпроқ юкни ташиб бердилар. Шаҳарлараро телефон каналлари ва телефон станцияларининг қуввати 12 процент кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари беш йилликнинг биринчи йилини ажойиб ютуқлар билан нишонладилар. Пахтакорлар давлат хирмонига 6 миллион тоннадан ортиқ пахта топширдилар. Шунингдек, дон, сабзавот, картошка, узум, мева ва полиз экинлари маҳсулотлари харид қилиш топшириқлари муддатидан илгари бажарилди.

Саноат корхоналарининг коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилиб, буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 1981 йил планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажардилар. Планга қўшимча равишда 230 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бир йил ичида 650 хил буюм давлат Сифат белгисини олди. Фахрий беш бурчак тамғали маҳсулотлар салмоғи умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 процентини ва аттестацияга қўйилган маҳсулотлар ҳажмининг 24,7 процентини ташкил этди.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва шу асосда экономикани интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш потенциалидан тўла фойдаланиш, ресурсларни ҳар томонлама тежаш, Коммунистик партия олға сурган асосий вазифа—совет кишиларининг фаровонлигини ошириш вазифасини ҳал этиш учун ишнинг сифат кўрсаткичларини анча юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун бутун кучларини сарфлашга қатъий қарор қилганлар.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар.

САНОАТ

Ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини янада ошириш, меҳнатни интенсивлаштириш, ишчиларнинг ва интизомлилик, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, янги қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш ва ўзлаштириш, асосий фондлардан янада тўлароқ фойдаланиш, хом ашё ва материалларни ҳар томонлама тежаш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш планлари ошириб бажарилади. Планга қўшимча равишда 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 35 процент кўпайтирилади.

1982 йилда буюмларнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари — 27 декабрда бажарилади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг 5 процент, меҳнат унумдорлигининг 3 процейт, халқ истеъмол товарларининг 6,5 процент ўсиши таъминланади. Планга қўшимча равишда 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг 80 процентига ишлаб турган корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Планга қўшимча равишда 250 миллион сўмлик (чакана нархларда) халқ истеъмол товарлари, 225 минг тонна минерал ўғит, 8 минг тонна пўлат ва прокат, 200 та трактор, 100 та сеялка, 50 та пахта териш машинаси, 15 минг тонна пахта толаси, 10 минг тонна ўсимлик мойи, 260 минг погон метр шойи газлама, 120 минг жуфт чарм пойабзал, 70 минг дона трикотаж буюмлар, жумладан, 20 минг дона болалар трикотаж буюмлари, 50 минг жуфт пайпоқ, 9 миллион сўмлик тикилган буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

130 цех, участка ва ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, 180 та механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган поток линияларини ўрнатиш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини жорий қилиш ҳисобига 25 минг ходимнинг меҳнати тежаб қолинади. 50 хил янги турдаги машиналар, механизмлар, аппаратлар, приборлар, жами 250 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси негизида олий сифат категориясидаги буюмларнинг салмоғи умумий маҳсулот ҳажмида 9,3 процентга ва аттестация қилинувчи маҳсулотлар ҳажмида 27 процентга етказилади, 800 хил маҳсулот давлат Сифат белгисига тақдим этилади.

Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 110 миллион сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Илмий тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари коллективлари, илмий-техника тараққиётининг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга бутун куч-ғайратларини сарфлаб, тадқиқотлар ва лойиҳалар самарадорлиги ва сифатини оширадилар, ишлаб чиқариш коллективлари билан ҳамкорликни ривожлантириб, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ва маҳсулот сифатини оширишни таъминлайдиган 2100 ечимни халқ хўжалигига жорий этадилар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Бу тармоқларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, юк ортиш ва тушириш ишларини ташкил этиш ва механизациялашни такомиллаштириш, меҳнатнинг илғор методларини жорий этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосида халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ҳамда пассажир ташишга, алоқа хизматига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ ва ўз вақтида таъминланади.

Умумий фойдаланишдаги автотранспортнинг ходимлари планга қўшимча равишда 3,2 миллион тонна юк ва 15 миллион пассажир ташиб бериш мажбуриятини олдилар. Планга қўшимча равишда 400 минг сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинади, планга қўшимча 2 миллион сўм фойда олинади. Йиллик юк ташиш ҳажмининг камида 35 проценти ва пассажир ташиш ҳажмининг 25 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади.

Темирйўлчилар юк ташиш йиллик планини 30 декабрда бажарадилар, қўшимча юк ортиш учун камида 15 минг вагонни бўшатиб берадилар, йиллик топшириққа қўшимча равишда 300 минг тонна юк жўнатадилар. Меҳнат унумдорлиги ўстириш планини 0,1 процент ошириб бажарадилар. Юк ташиш тannархини планда кўзда тутилганидан 0,1 процент камайтириб, планга қўшимча равишда камида 300 минг сўм фойда оладилар.

Граждан авиацияси корхоналарининг ходимлари пассажир ташиш планини 28 декабрда бажарадилар, халқ хўжалигида авиацияни қўлланиш планини 29 декабрда адо этадилар. Планга қўшимча равишда 22 минг пассажир ташилади. Тошкент авиакорхонасида ИЛ-86, Самарқанд авиакорхонасида ЯК-42 самолётларини ўзлаштириш бошланади.

Алоқа корхоналарининг коллективлари маҳсулот ҳажми ва даромадлар бўйича планни 30 декабрда бажариб, аҳолига ҳамма турдаги хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мажбуриятини олдилар. 15 минг номерли автомат телефон станцияларни муддатидан олдин ишга туширилади, шаҳарларда телефон станциялари сиғимидан фойдаланиш коэффициенти 88 процентгача, қишлоқ жойларда 85 процентгача кўпайтирилади.

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ

Товар оборoти йиллик плани 29 декабрда бажарилади. Планга қўшимча равишда аҳолига 68 миллион сўмлик, жумладан, давлат савдосида 50 миллион сўмлик товарлар сотилади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи билан реализация қилинадиган товарлар салмоғи давлат савдосида 62 процентга, матлубот кооперациясида 92 процентга етказилади. Магазинларнинг савдо-сотиқ қилинадиган майдонлари 64,8 минг квадрат метр ва умумий овқатланиш корхоналари тармоқларидаги ўринлар 15,5 мингтага кўпайтирилади. Чорва моллари харид қилиб олиш, семиртириш, чўчқалар ва паррандаларни боқиш йўли билан 92 минг тонна гўшт етиштирилиб, аҳолига сотилади.

Маиший хизмат кўрсатиш плани 30 декабрда бажарилади, аҳолига қўшимча равишда 1,6 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилади. Маиший хизматнинг умумий ҳажми деярли 10 процент оширилади.

* * *

Саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш меҳнаткашлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириб, буюмларга кетадиган материалларни камайтириб, хом ашё, материаллар, иккиламчи ресурслардан рационал фойдаланиб, ускуналарнинг пландан ташқари тўхтаб туришини камайтириб, республика бўйича бир йилда камида 500 миллион киловатт-соат электр энергия, 820 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 330 минг тонна пахта толаси, 25 минг тонна металл прокатлари, 61 минг кубометр ёғоч тахта, 16 минг тонна дизель ёнилғиси, 45 минг тонна автобензин, 9 минг тонна цемент ва бошқа материалларни тежаб қоладилар.

* * *

Республика министрликлари, идоралари ва бирлашмаларига қарашли саноат корхоналари ва ташкилотлари транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари коллективлари 1982 йилда қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар.

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги кунигача мис ва табиий газ запасларини ўстириш икки йиллик плани бажарилади. Камида 6 та янги газ конлари очилади. Дала шпати, қўрғошин ва рух запасларини кўпайтириш юзасидан йиллик план 2 процент, мис ҳамда газ бўйича 5 процент ортади.

Белгиланган муддатдан бир ой олдин, 1982 йилнинг августида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фойдали қазилмалар запаси бўйича давлат комиссиясига «Водораздельное» конидаги лейкократ гранит ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган «Южный» сув габоридаги ер ости суви миқдорларини ўзгачаси олинган ҳисоботлар тақдим этилади.

Топширилган ташқари қўшимча 100 квадрат километр майдонда комплекс гидрогеологик ва инженерлик-геологик суратга олиш ишлари бажарилади.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича план муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади ва қўшимча 140 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Юксак самарадор «Умумий чуқур қуқта» методи билан узаш— поузала профиллашни жорий этганда сейсморазведка ишлари йиллик планга киритилган маблағларни кўпайтирмаган ҳолда 12 процентга, рақамли станциялар қўлланганда — 10 процент, портлатилмайдиган манбалар қўлланганда — 6 процент, вибросейсмик метод қўлланганда — 6 процент ошириб бажарилади.

Пландан ташқари 15 минтақ-тадқиқот ечимлари бажарилади. Шартли йиллик самараси 2 миллион сўмлик бўлган камида 1300 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Тежалган материаллар ҳисобига 6600 метр колонали қудуқ, 500 метр чуқур қудуқ пармаланади ва конларда 350 метр ер ости ишлари бажарилади.

400 тонна пўлат труба, 140 тонна цемент, 140 кубометр ёғоч материаллари, 170 тонна шартли ёнилғи, 780 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолишга эришилади.

Камида 6400 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчилар тайёрланади ва уларнинг малакаси оширилади.

Ҳосилни ўриб-йиғишда колхозларга оталиқ ёрдами кўрсатилади, фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигига 30 та гидрогеологик қудуқ тайёрлаб берилади.

Ёрдамчи хўжаликларнинг маҳсулотлари ҳисобига дала экспедицияларга ва партияларининг меҳнаткашлари учун 150 тонна гўшт, 50 тонна сут, 200 тонна сабзавот ва картошка, 350 тонна полиз маҳсулотлари қўшимча равишда тайёрланади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Энергосистемаларнинг аварияси ишлаши ҳисобига таъминотчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлашга эришилади.

Асбоб-ускуналарнинг нагрузка олишга тайёрлигини планга нисбатан 1 процент оширилади. Пландан ташқари 800 минг сўм фойда олинади.

Электр тармоқларидаги электр нобудгарчилигини ҳамда эҳтиёж учун энергия сарфини қисқартириш ҳисобига 14,6 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Электр энергиясини ҳосил қилишга ёнилғи солиштирма сарфи пландаги 1 киловатт-соат 0,2 граммга камайтирилади ва у 342,5 граммга етказилади. Пландан ташқари 36 тонна металл, 23 тонна цемент ва 100 кубометр ёғоч материаллари тежалади. Иш вақтининг йўқотилиши 5,5 процентга камайтирилади.

2650 рационализаторлик таклифларини жорий этиш, шунингдек, янги техника бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли 2,5 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинади.

Агрегатларнинг капитал ремонтда бўлиш муддатлари 1,5 процент қисқартирилади. Илғор технологияни жорий этиш, энергетика ускуналарининг капитал ремонти чоғида қўл меҳнатини камайтириш ҳисобига 190 минг сўм фойда олинади. Бино ва иншоотларнинг ремонти плани 100 минг сўмга ошириб бажарилади.

Қуввати 210 минг киловатт бўлган Навоий ГРЭСидаги 12-энергия блокини муддатидан илгари, 1 июнда ўзлаштириш таъминланади. Сирдарё ГРЭСининг биринчи навбати доимий фойдаланиш учун топширилади.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача 4747 километр узунликдаги электр узатгичлар линияси, қуввати 990 минг киловольт-амперли трансформатор, 22,3 минг квадрат метр уй-жой майдони муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. Энергетиклар кунигача В. И. Ленин номли Фарғона ТЭЦида соатига 420 тонна буғ тайёрлай оладиган буғ қозони, қуввати 220 киловольт-амперли «Узбекистанская» ёрдамчи станцияси, Қўрпсой ГЭСи — «Центральная» ёрдамчи станцияси, «Жаркурганская» —давлат чегараси ўртасида ЛЭП-220 ишга туширилади. СССР Конституциясининг кунигача Сирдарё ГРЭСидаги профилакторий ишга топширилади ва Ангрен ГРЭС-2 уй-жой поселкасида 1176 ўринли мактаб фойдаланишга топширилади.

Кучланиши 0,4—10 киловольт бўлган 60 километр узунликдаги линия, 35—110 киловольт бўлган 10 километр узунликдаги электр узатиш линияси қўшимча ишга туширилди, 1888 квадратметр уй-жой майдони қурилади.

1820 янги ишчи тайёрланади, 11750 ишчи ва 2550 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, дам олиш зона ва базаларида камида 10 минг ходим ўз соғлиғини мустаҳкамлайди, пионер лагерларида камида 3 минг бола дам олади. Камида 7,6 минг ишловчи физкультура ва спортга жалб этилади. Энергосистемалар корхоналарида бешта янги ёрдамчи хўжалик ташкил этилади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш ҳамда кўччилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан план муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Камида 4,1 процент кўпайиши таъминланади.

Пландан ташқари 36 миллион сўмлик, шу жумладан, 200 минг квадратметр шойи газламалар, 70 минг дона трикотаж буюмлари, шундан 20 минг донаси болалар учун маҳсулотлар, 50 минг жуфт пайпоқ буюмлари, 120 минг жуфт чарми пойабзал, шундан 50 минг жуфти болалар пойабзали, 4 миллион сўмлик кийим-кечак реализация қилинади.

Янги техника ва технология бўйича иқтисодий самараси 8 миллион сўм бўлган 230 тадбир жорий этилади. 4000 сиртида янги ускуналар ўрнатилади. 25 цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. 35 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялари монтаж қилинади. Шартли йиллик иқтисодий самараси 7 миллион сўм бўлган камида 2500 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Корхоналарни энг яхши техник қуроллантириш, автоматлаштириш ҳамда ёрдамчи жараёнларни механизациялаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 28 ярим процент камайтирилади.

510 маҳсулот давлат Сифат белгисига тақдим этилади ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи 22,5 процентга етказилади.

1700 бригада меҳнатнинг ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формасига ўтказилади ҳамда улар тайёрлайдиган маҳсулотлар умумий ишлаб чиқаришга нисбатан камида 30 процент бўлиши таъминланади.

210 тонна пахта толаси, 51 минг квадрат метр газлама, 8 миллион киловатт-соат электр энергия, 27,5 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 1,5 минг тонна шартли ёнилғи тежаб қолинади. Пландан ташқари камида 1 миллион сўм фойда олинади.

КПСС XXV съезди номли Наманган аврли газламлар ишлаб комбинатида, Андижон ип-газлама комбинатининг Қўрғонтепа ва Марҳамат шаҳридаги филиалларида, Фарғона тўқимачилик комбинатининг Риштон, Бешариқ ва Янгиқўрғон шаҳарларидаги филиалларида янги қувватларни белгиланган муддатларда ўзлаштириш таъминланади.

Умумий майдони 76,5 минг квадрат метр бўлган турар жой биноси, 1240 ўринли мактабгача болалар муассасаларни муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

12 минг ишчи ва 560 бригада СССРнинг 60 йиллиги шарафига шахсий йиллик планларини 1 ноябргача бажаради.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнати ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Ана шу мақсадлар учун 3,5 миллион сўм сарфланади.

27,8 минг ишчи асосий оммавий касбларга ўргатилади ва 22 минг ишчининг малакаси оширилади.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган ипак газламалар комбинатида, Қувасой чинни заводида ва Намангандаги «Пятилетка» ногазлама материаллар фабрикасида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилади. Ёрдамчи хўжаликларда йирик қорамоллар 1000 бошга ва паррандалар 50 мингтага етказилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш плани муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади, пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлигининг 3,8 процент ўсиши таъминланади.

Планга қўшимча равишда 15 минг тонна пахта толаси, 1,7 минг тонна линт, 212 тонна канап толаси, 20 минг квадрат метр ўроб газлама ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ўсишининг 77 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. 1981 йил пахта ва канап ҳосили тўла сақлаб қолинишига яхшилаб қайта ишланишига ва тайёр маҳсулот истеъмолчиларга тегишли ассортиментда етказиб берилишига эришилади. Пахта ва канапдан олинадиган маҳсулот ҳажми кўпайтирилиб, хом ашёнинг нормативдан ортиқча дудланиши камайтирилади. Мамлакатнинг пахтакор хўжаликларига 250 минг тонна уруғлик 15 мартгача тайёрланиб, етказиб берилади.

Технологияни такомиллаштириш, ресурслардан рационал фойдаланиш, маҳсулотнинг моддий сарфини камайтириш йули билан камида 13,2 миллион киловатт-соат электроэнергия, 1000 тонна шартли ёқилғи, 154 минг квадрат метр ўроб газлама, 200 тонна канап хом ашёси, 87 тонна цемент, 70 кубометр ёғоч материали, 174 тонна сим тежалади.

10 поток линия, тонналлар қазиладиган ва бункерлар тарайдиган 15 машина, пахтани олдиндан ачиладиган 16 гидравлик пресс, 30 РХ регенераторлари, линтерлар учун кенгайтирилган 110 ишчи камераси, 4 ДП-130 маркали 16 арали жинлар муддатидан илгари ишга туширилади. Бир йўла 35 минг тонна пахтани сақлайдиган 68 омбор ва 112 қуритиш-тозалаш цехлари қуриб ойтказилади.

1,6 миллион сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара берадиган 1750 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Чигитдан ажратиладиган пахта толаси ГОСТ нормалари асосида тайёрланишига эришилади, тайёрланган маҳсулотнинг 92 процента шу норма миқёсида ҳамда линт 96,5 процентини ташкил қилишига эришилади. Канап узун толасининг сорти 0,02 сортга яхшиланади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига 120 бригада, 720 илғор ишчи беш йиллиқнинг икки йили топшириғини 7 ноябрга ча бажаради.

Санитария-соғломлаштириш тадбирлари плани 25 декабргача бажарилади. меҳнатни муҳофаза этиш, техника хавфсизлиги ва меҳнат санитария-гигиена шароитларини яхшилаш учун 5,2 миллион сўмлик иш бажарилади.

2,7 мингта янги ишчи тайёрланади, 5,5 минг ишчининг ҳамда 2 минг инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 18 мингдан знёд киши ҳамма турдаги иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларидаги қорамоллар 3338 бошга, шу жумладан сигирлар 955 бошга, қўйлар 4900 бошга, паррандалар 34,4 мингтага етказилади ҳамда 233,5 тонна гўшт, 426,5 тонна сут, 126,5 минг дона тухум тайёрланади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш плани муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади ҳамда пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча равишда 10 минг тонна ўсимлик мойи, 50 тонна қадоқланган ёғ, 50 тонна маргарин маҳсулоти, 5 тонна майонез, 310 тонна макарон маҳсулотлари, 425 тонна кондитер маҳсулотлари, 1 минг тонна қадоқланган табиий чой, 340 тонна рўзғор совуни, 70 тонна атир совуни, 150 тонна хамиртуруш, 155 тонна дистиллирланган ароқ, 2150 минг шиша минерал сув, 60 минг декалитр алкоголсиз ичимлик, шу жумладан 50 минг декалитр «Пепси-кола», 30 минг декалитр пиво, 600 тонна ферментланган тамаки тайёрланади, 5 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 4,5 процентга кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги 4,2 процент оширилади ва шу ҳисобдан ишлаб чиқаришнинг камида 78 процент ўсиши таъминланади.

700 минг сўмлик умумий иқтисодий самара берувчи 18 та ташкилий-техникавий тадбир жорий этилади. Механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг ҳиссаси 1,4 процентга камайтирилади.

Ишнинг пировард натижасига қараб ҳақ тўланадиган бригада усулида ишловчилар ҳиссаси 46 процентга етказилади.

1,1 миллион сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара берадиган камида 720 рационализаторлик таклифи жорий этилади. 7,3 миллион киловатт соат электр энергия, 55 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 8 минг тонна шартли ёқилғи, 40 тонна автобензин, 30 тонна дизель ёқилғиси, 65 тонна цемент, 67 тонна қора металл, 220 кубометр ёғоч материали тежалади.

Биринчи кварталда Тошкент «Ўртоқ» фабрикасининг Олмалиқдаги филиали иккинчи навбати ишга туширилади ҳамда ёғ ва совун ишлаб чиқарадиган «Ўрганчпраснмаслопром» бирлашмаси лойиҳадаги қувватга етказилади. Косон ёғ-экстракция заводида янги қувватлар муддатидан илгари ўзлаштирилади.

СССР 60 йиллиги шарафига министрлик бўйича беш йиллиқнинг икки йили плани 20 декабрга бажарилади.

Ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган асосий тадбирларнинг комплекс плани тўла ҳажмда бажарилиши таъминланади.

Косон ёғ-экстракция заводида, Қибрай пиво ва алкоголсиз ичимликлар комбинатида ҳамда «Самарқандтабакфермпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида умумий саҳни 8920 квадрат метр бўлган уй-жой, Косон ёғ-экстракция заводида 280 ўринли болалар боғчаси муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

3800 та янги ишчи тайёрланади, малака ошириш курсларида 4800 ишчи, 570 инженер-техник ходим ва хизматчи ўқитилади. Иқтисодий ўқишга 13850 киши жалб этилади.

50 та корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этилади ва уларда 150 тониадан знёд гўшт етиштирилади.

ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

СССР 60 йиллиги шарафига муҳим турдаги буюмлар тайёрлаш бўйича беш йилликнинг икки йили плани муддатидан илгари, 20 декабрда, маҳсулотни реализация қилиш плани эса 25 декабрда бажарилади ҳамда пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1000 тонна гўшт, 1600 тонна гўшт маҳсулотлари, 2500 тонна қадоқланган гўшт, 500 тонна гўштли ярим фабрикатлар, 700 тонна мол ёғи, 8000 тонна сут маҳсулотлари, 50 тонна пишлоқ реализация қилинади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг 3,9 процент ўсиши таъминланади. ўсишнинг 65 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Ем-ем маҳсулотларни қўшмча тайёрлаш ҳисобига 1,2 минг тонна сут тежаб қолинади. Хом ашё ва қўшимча оқсил моддаларини қўлланишдан самарали фойдаланиш йўлу билан гўшт маҳсулотлари ресурсларининг кўпайишига эришилади.

1,4 миллион киловатт соат электроэнергия, 4600 гигакалория иссиқлик энергияси, 20 тонна дизель ёнилғиси, 200 минг тонна шартли ёнилғи тежалади.

Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, янги техника ва технология бўйича 28 тадбир амалга оширилади. Автоматлаштириш ва механизациялаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади. Шартли йиллик иқтисодий самараси 320 минг сўм бўлган камида 250 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Қўқон гўшт комбинатида ва Чирчиқ шаҳар сут заводида янги қувватлар муддатидан илгари ўзлаштирилади, бунинг ҳисобига 400 минг сўмлик қўшимча маҳсулот олинади.

Ишлаб чиқариш резерваларидан яхшироқ фойдаланиш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига пландан ташқари 300 минг сўмлик фойда олинади.

Меҳнатни ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг бригада формасига ўтишда меҳнат иштироки коэффициентини қўлланиш билан бирга бу ишга 1230 кишини жалб этилади ҳамда шу бригадалар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг салмоғи 25 процентга етказилади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига 40 бригада, 600 ишчи муддатидан илгари, 7 ноябрга беш йиллиқнинг икки йили топшириғини бажаради.

520 янги ишчи тайёрланади. 1440 ишчи ва 350 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. Камида 5 минг киши иқтисодий ўқувнинг барча турларига жалб этилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида қорамоллар 100, қўйлар 400, чўчқалар 1500, паррандалар 5000 тага етказилади, 15 тонна гўшт, 25 минг дона тухум тайёрланади. 30 тонна сабзавот ва мева териб олинади.

МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш плани 25 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 4 миллион сўмлик, шу жумладан 3 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари реализация қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш пландаги 4,7 процент ўрнига 6,9 процентга оширилади. Меҳнат унумдорлиги 5,2 процент оширилади ва бунинг ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 92 проценти таъминланади.

7 автомат линия, шартли йиллик иқтисодий самараси 365 минг сўм бўлган камида 220 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Қўл меҳнати салмоғи 1,4 процент камайтирилади.

Мебелларнинг 14 тури давлат Сифат белгисига тақдим этилади. Маҳсулотнинг умумий ҳажмида ана шундай маҳсулотнинг салмоғи 30,5 процентга етказилади. 34 та янги маҳсулот, шу жумладан 6 хил мебелни оммавий ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

75 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 165 минг киловатт-соат электр энергия, 65 тонна шартли ёнилғи, 320 гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Пландан ташқари 250 минг сўмлик фойда олинади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг истеъмол маҳсулотларини тайёрлаш камида 5 процентга оширилади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига 40 илғор ишчи беш йиллиқнинг икки йили топширигини муддатидан илгари 7 октябрда бажаради.

1230 янги ишчи тайёрланади, 1350 ишчи ва 125 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. 2,2 минг киши иқтисодий ўқувга жалб этилади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари 23 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 10 миллион сўмлик, шу жумладан, 5 миллион сўмлик кийим-кечак, 1 миллион сўмлик тўқимачилик-галантерея буюмлари, 3 миллион сўмлик саноат чиқиндиларидан ва маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиб ишланган халқ истеъмоли моллари, 1 миллион сўмлик халқ бадиий-амалий буюмлари реализация қилинади.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пландаги 5,1 процент ўрнига 7,2 проц

СССР 60

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштира бориб, иш вақтидан унумли фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 3,5 процентга ошириб бажарилди ва бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 65 проценти таъминланади.

Янги техника бўйича 170 тадбир, шу жумладан 8 автоматик, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялари жорий этилади. Шартли-йиллик иқтисодий самараси 450 минг сўм бўлган 260 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Қўл меҳнатининг салмоғи 0,2 процент камайтирилади.

131 маҳсулот давлат Сифат белгисига тақдим этилади. Ана шундай маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғини 6,8 процентга етказилади. 543 янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ички резервларни сафарбар этиш ва иқтисод режимини кучайтириш ҳисобига пландан ташқари 200 минг сўмлик фойда олинади. 3 миллион киловатт-соат электр энергия, 3,5 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 3 минг тонна шартли ёнилғи, 20 тонна металл иқтисод қилинади.

Фарғона областининг Файзиобод поселкасидаги тўқув фабрикаси муддатидан олдин, 1 декабрда фойдаланишга топширилди. Сирдарёда янги ишга туширилган мактаб-спорт жиҳозлари заводида қувватлар ўзлаштирилади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига 250 бригада, 5950 ишлаб чиқариш илғори беш йилликнинг икки йили топшириғини муддатидан олдин 7 ноябрга бажаради.

880 янги ишчи тайёрланади, 2150 ишчи ва 450 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. 7800 киши иқтисодий ўқувга жалб этилади.

ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари 25 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Реконструкцияни жадаллаштириш ва техника билан қайта қуроллантириш, қувватларни барвақт ўзлаштириш ҳисобига йиллик пландан ташқари минг тонна ун ва ёрма гуруч тайёрланади.

Пландан ташқари 500 минг сўмлик фойда олинади. Донни қайта ишлаш прогрессив технологияси ва илғор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига нормаларга нисбатан юқори навли ун миқдори 1 процент, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 0,2 процент оширилади, умумий ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 55 проценти бунинг ҳисобига бўлади.

Пландан ташқари 2,1 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилади ва юк ташиш жараёнларидаги темир йўл, сув ва автомобиль транспорти воситаларининг нормадан юқори туриб қолиши камайтирилади.

415 рационализаторлик таклифини жорий этишдан 300 минг сўмлик шартли-йиллик фойда олинади. Иқтисодий самараси 180 минг сўм бўлган янги техника бўйича тадбирлар, шу жумладан 6 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялари жорий этилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 1,5 процент камайтирилади.

Дон қабул қилиш учун галла омборлари моддий-техника базаларининг тайёргарлиги таъминланади. 25 майгача бошоқли дон тайёрловчи, 25 июлгача маккажўхори дони ва ёрма гуруч тайёрловчи корхоналарнинг тайёргарлиги таъминланади. Дон маҳсулотлари, уруглик, омухта ем ва таранинг миқдор сифат жиҳатидан тўла сақланиши таъминланади. Йил давомида 2250 киши тайёргарлиги ва малакаси оширилади, камида 4 минг киши иқтисодий ўқувга жалб этилади.

Белгиланган нормаларга нисбатан сарфлашнинг 5,91 миллион киловатт-соат электр энергия ва 1 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

Ишловчиларнинг меҳнат шароитлари, уларга маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхшиланади. Дам олиш хоналари, хотин-қизлар шахсий гигиена хоналари, иш кийимлари тозаланадиган хоналар, шуларнигдек, техника хавфсизлиги кабинетлари бекаму кўст ишлаш таъминланади.

Корхоналар территорияларини ободонлаштириш давом эттирилади, камида 30 минг туп дарахт ва манзарали кўчатлар ўтказилади.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг икки йили плани муддатидан илгари, 20 декабрда бажарилади, пландан ташқари 34 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

МЕВА, САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 23 декабрда бажарилади, пландан ташқари 11,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва 6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1981 йилга нисбатан 2,3 процент оширилади.

Пландан ташқари 100 тонна қуруқ мева тайёрланади, 1 миллион дикалитр вино маҳсулотлари тайёрланади ва жўнатилади.

5 минг декалитр вино материаллари, 650 тонна мева-сабзавот хом ашёси, 1,2 минг тонна шартли ёқилғи, 14,2 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 600 минг киловатт-соат электр энергия, 25 тонна бензин, 19 тонна дизель ёнилғиси, 7 тонна қора металл прокати, 31 тонна цемент, 15 кубометр ғоч материаллари тежалади.

Янги техника бўйича 22 тадбир, шу жумладан, 8 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линиялари жорий этилади. Қўл меҳнатининг салмоғи 2,4 процентга камайтирилади. Пландан ташқари 516 минг сўм фойда олинади.

Фарғона, Ғазалкент, Наманган консерва заводларида ва Самарқанддаги «Серп и молот» консерва комбинатида АС-550 линиясини фойдаланишга топшириш ва муддатидан илгари ўзлаштириш таъминланади. Капитал маблағларни ўзлаштириш йиллик плани 27 декабрда бажарилади.

Автотранспортда юк ташиш плани 29 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 15 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилади. Йиллик товар оборот плани муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади ва аҳолига пландан ташқари 1,3 миллион сўмлик маҳсулот сотилади.

2000 янги ишчи тайёрланади, 2,6 минг ишчи ҳамда 300 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Камида 7 минг киши иқтисодий ўқувга жалб этилади.

СССР 60 йиллиги шарафига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг икки йили плани муддатидан илгари 10 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 42 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади ва 11,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

САВДО МИНИСТРЛИГИ

СССР 60 йиллиги шарафига товар оборот плани муддатидан илгари 29 декабрда бажарилади ва қўшимча 50 миллион сўмлик товар аҳолига сотилади.

Марказлаштирилмаган тартибда харид қилиш йўли билан 120 миллион сўмлик саноат моллари қўшимча равишда товар оборотига жалб қилинади ва нормадан ташқари запас ҳисобига эса 30 миллион сўмлик саноат моллари қўшимча равишда товар оборотига жалб қилинади.

Умумий овқатланиш корхоналарида ўз кучлари билан тайёрланадиган маҳсулотлар пландан ташқари 5 миллион сўмлик миқдорда реализация қилинади.

Ўз-ўзига хизмат қилиш методи билан сотиладиган товарлар салмоғи 62 процентга етказилади.

Аҳоли учун пландан ташқари 12 минг тонна картошка, сабзавот ва мева ташиб келтирилади.

31 магазин ва ярим фабрикат, кулинария маҳсулотлари сотиладиган бўлимлари очилади, 60 фабрика-завод ва 20 студенглар ошхоналарида комплекс овқатлар реализацияси ташкил этилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида чўчқалар 50 минг бошга, паррандалар 250 минг бошга етказилади, молларни семиртириш тирик вазнда 2500 тоннага етказилади ва бунинг ҳисобига аҳолига 2 минг тонна гўшт реализация қилинади.

38 минг тонна қанд-шакар, 34 минг тонна ун, 12 минг тонна кондитер маҳсулотлари ҳамда 30,2 минг тонна картошка ва сабзавотни қадоқлаш таъминланади.

Турли хил таралар — ускуналар (контейнерлар)ни 12 минг дона миқдорида ишлаб чиқариш таъминланади ва 3,5 миллион сўм миқдорида номеханика савдо ускуналари тайёрланади.

Янги магазинлар қуриш ва эски магазинларни реконструкция қилиш ҳисобига савдо майдонларини 35,8 минг квадрат метрга кенгайтириш таъминланади. Умумий овқатланиш корхоналари шохобчаси 12,5 минг ўринга кўпайтирилади. Капитал маблағ сарфлаш плани 12 декабрда бажарилади. 65 та савдо ва умумий овқатланиш корхонасида меҳнатни илмий ташкил этишнинг намунаси кўргазма хизмати ташкил этилади ва уларнинг тажрибаси министрлик системасида жорий этилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш доимий суратда такомиллаштирилади, ходимларнинг меҳнат шароити яхшиланади.

Оммавий касблардаги 10800 ходим, шу жумладан, 7090 контролёр-кассир ва сотувчи, 2900 ошпаз ва қандолатчи тайёрланади.

Ишлардан 10800 киши, хотин-қизлардан 7500 киши давлат савдосида ишлашга жалб этилади ва савдо касбларига ўқитилади. Савдо тармоғи ходимларини «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зардоб ҳафта» меҳнат вахтасида ишлашга кенг жалб этилади.

РЕСПУБЛИКА МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ (ЎЗБЕКБИРЛАШУВ)

СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган ҳолда чакана товар оборот плани муддатидан илгари, 30 декабрда бажарилади, планга қўшимча равишда 18 миллион сўмлик мол сотилади. Умумий овқатланиш корхоналарида пландан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Нормативлардан ташқари запасдаги 35 миллион сўмлик мол оборотга киритилади.

Қўшимча равишда 200 та магазин ўз-ўзига хизмат қилишга ўтказилади, уларда 92 процент товар реализация қилинади. 8 та район матлубот союзи ва район матлубот жамиятида савдо комплекс рационализация қилинади, 90 та ихтисослаштирилган магазин ташкил этилади. 30 декабргача савдо базаларида ва йирик савдо корхоналарида камида 125 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари қадоқланиши таъминланади.

Баҳорги дала ишлари даврида далаларда сотувчисиз 2200 магазин ишлайди, пахта йиғим-терими вақтида уларнинг сони 5700 га, кўчма савдо дўконлари эса 1750 тага етказилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини тайёрлаш ҳамда ҳарид қилиш, умуминттифоқ фондига мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш плани 7 ноябрда бажарилади. Халқ методи билан 7 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотларини қишга сақлаш ва асраш таъминланади.

Ҳарид қилиш ва етиштириш орқали олинган маҳсулотдан савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига 90 минг тонна гўшт, шу жумладан, шахсий ёрдамчи хўжаликларда эса 16 минг тонна гўшт реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш фаолияти бўйича йиллик план 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари 16 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани 20 декабрда бажарилади. Янги қурилишлар ва реконструкция ҳисобига магазинларнинг савдо майдони 28 минг квадрат метрга кенгайтирилади, умумий овқатланиш шохобчаларида ўринлар сони 2845 тага кўпайтирилади.

Кооператив техникумларда 3380 мутахассис тайёрланади. 7380 киши оммавий касбларга ўргатилади. 6500 хотин-қиз савдо соҳасидаги ишга жалб этилади.

Аҳолиқи кооперативларга жалб этиш йиллик топшириғи 20 декабрда бажарилади, пландан ташқари 5 минг киши кооперативларга жалб қилинади.

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани муддатидан илгари, 30 декабрда бажарилади. Хизмат кўрсатиш ҳажми 9,7 процент оширилади ва пландан ташқари 1,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Меҳнат унумдорлиги 9,8 процент оширилади, шунинг ҳисобига хизмат кўрсатиш ҳажмининг 92 процент ўсиши таъминланади. Фойда олиш плани 640 минг сўм ошириб бажарилади. Хизмат кўрсатишнинг 15 янги тури жорий этилади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши, 2600 бирликда янги ускуналар ва поток линияларнинг, 330 бирликда кичик механизация воситаларининг жорий этилиши, НОТнинг жорий этилиши ҳисобига қўл меҳнатини механизациялаш даражасини 40 процентдан 43 процентга етказилади. Шартли йиллик иқтисодий самараси 210 минг сўм бўлган камида 185 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Янги техника ва технология бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши, механизациялаш ва автоматлаштириш эвазига 450 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. 525 минг киловатт-соат электр энергия, 219 тонна кўмир, 240 тонна металл тежаб қолинади.

Тошкент областида фотоматериалларни қайта ишлаш ва босиш бўйича поток линия, Тошкент шаҳрида ички кийимни қайта ишлаш учун тўхтовсиз поток линия, автомобилларни коррозияга қарши бўяш бўйича ихтисослаштирилган комплектлар жорий этилади.

Техника тараққиёти бўйича энг яхши ташкилий ишлар республика конкурси ўтказилади. Бу конкурс барча турдаги ресурсларни иқтисод қилишга қаратилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш доимо такомиллаштирилади. 5400 янги ишчи тайёрланади, 1175 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 18 минг киши иқтисодий ўқувга жалб қилинади. Ушбу соҳа ишчи-хизматчиларининг «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зардоб ҳафта!» шиори остида ўтаётган социалистик мусобақада оммавий иштироки таъминланади.

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Даромадлар, маҳсулотлар ҳажми ва «Союзпечать» товаробороти йиллик плани 30 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,1 процент оширилади, маҳсулот таннархи эса, планга нисбатан 0,1 процент камайтирилади. Пландан ташқари 250 минг сўмлик товар сотилади. Шаҳарларда телефон тармоқлари сиғимидан фойдаланиш коэффициенти 88 процентгача, қишлоқ жойларда 85 процентгача оширилади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига муддатидан илгари иккинчи кварталда Хива шаҳрида 4 минг номерли АТС, учинчи кварталда Тошкент шаҳрида АТС-45, ноябрь ойида эса Термиз шаҳрида 6 минг номерли АТС муддатидан илгари ишга туширилади.

Намунали-кўргазма алоқа узеллари сони 50 тагача, алоқа бўлимлари сони 500 тагача кўпайтирилади. Почта алоқаси хизматида касса ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш учун ҚҚАССРда, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм областларида «Онега» системаси жорий этилади.

Термиз шаҳрида телевидениенинг учинчи программасини кўрсатиш ташкил этилади.

Нукус, Андижон, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларида телефон тармоқлари абонентларига техник хизмат кўрсатиш системаси ва Тошкент шаҳрида таксофонларни текширишнинг автоматлаштирилган системаси жорий этилади.

Бригада пудрати методи билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 25 процентгача оширилади.

Илғор технология, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, янги техника бўйича тадбирларни жорий этиш ҳисобига 450 минг сўм миқдорида шартли-йиллик маблағ тежалади. 1200 рационализаторлик таклифи жорий этилади ва бунинг ҳисобига камида 125 минг сўмлик шартли-йиллик иқтисодий фойда олинади.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига 1 миллион киловатт соатэлектрэнергия, 50 тонна бензин, 25 тонна дизель ёқилғиси ва 15 тонна цемент тежаб қолинади.

Пландан ташқари 250 янги ишчи тайёрланади ва 600 алоқачи мутахассисининг малакаси оширилади. Наманган шаҳрида 200 ўринли ётоқхона ва Тошкент областидаги «Нанай» дам олиш базаси муддатидан илгари, май ойида фойдаланишга топширилади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

Юк ва пассажирлар ташиш йиллик плани 28 декабрда, саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 28 декабрда, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тушадиган даромад йиллик плани 27 декабрда бажарилади. СССРнинг 60 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб юборган 9,8 минг ҳайдовчи беш йиллиқнинг икки йили планини 7 ноябрда бажаради.

Пландан ташқари 3,5 миллион тонна юк, 15 миллион пассажир ташилади, таксиларда ҳақи тўланган 7 миллион километр йўл босилади. 410 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, аҳолига 220 минг сўмлик транспорт-маиший хизмати кўрсатилади. Планга қўшимча 2 миллион сўмлик фойда олинади. Меҳнат унумдорлигининг автомобилларда юк ташишда 2,1 процент, саноатда 3,5 процент, қурилишда 1,5 процент ўсиши таъминланади, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига саноат ишлаб чиқариши ҳажми 74 процент оширилади.

Фойдаланиш коэффициенти юк автомобилларида — 0,70, автобусларда — 0,737, енгил таксиларда — 0,830 гача, юк автомобилларининг ишлаш режими — 10,1 соатгача оширилади.

Шаҳарлараро марказлашган юк ташиш ҳажми — 3,95 миллион тоннагача етказилади. Йўл-йўлакай 410 минг автомобилга юк ортилади. Контейнер, пакет, поддонларда 6,2 миллион тонна юк ташилади. Прицепларда юк ташиш ҳажми 25,8 миллион тоннага кўпайтирилади.

Юк ортиш вақтида автомобилларнинг нормадан ташқари туриб қолиши 1981 йилги даражага нисбатан 0,5 процент камайтирилади.

Бригада пудрати методи билан камида 35 процент юклар ва 25 процент пассажирлар ташилади. Автобусларнинг мунтазам қатнови 88,7 процентгача оширилади.

Авторемонт ва шинаремонт заводларида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 7,7 миллион сўмгача оширилади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан 150 минг сўмлик ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари буюмлари ва истеъмол моллари тайёрланади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 1,27 миллион сўм миқдорида шартли йиллик самара олинади.

Наманган шаҳрида 140 ўринли болалар боғчаси, Тошкент областининг Оқтош поселкасида пионер лагери, Урганч шаҳрида турар-жой биноси муддатидан илгари ишга туширилади.

8,1 минг тонна бензин, 2,3 минг тонна дизель ёнилғиси, 1,5 миллион киловатт соат электр энергияси, 10 минг гигакалория иссиқлик, 1500 тонна ёқилғи, 80 тонна металл прокати тежаб қолинади. Тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига тўрт кун меҳнат қилинади.

14100 ишчининг ва 610 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 16980 оммавий касбдаги ишчи тайёрланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Товар балиқ реализация қилиш йиллик плани 25 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 20 минг центнер балиқ ўстириляпти, овланади, 200 минг шартли банка балиқ консерваси ишлаб чиқарилади, 500 центнер дудланган балиқ маҳсулоти, 200 центнер озуқа уни ишлаб чиқарилади.

Балиқ ўстириладиган ҳовузлар маҳсулдорлигини гектар бошига 25 центнерга кўтарилади. Планга қўшимча равишда 5 миллион дона юқори сифатли балиқ ўтказиш материали зарур миқдорда ва ассортиментда ўстирилади. Балиқнинг янги, юқори маҳсулдор хилларини иқлимлаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари давом эттирилади.

Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 1,6 процент оширилади, шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми камида 65 процентга ўстирилади. Пландан ташқари 120 минг сўм фойда олинади.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 60 илғор ишчи ўн биринчи беш йилликнинг икки йили топширигини муддатидан илгари 7 ноябрга бажаради. Асосий касбларга 190 янги ишчи тайёрланади 55 ишчи, 50 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 1800 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида қорамоллар 350 бошга, қўйлар 700 бошга, от — 1667 бошга, чўчқа — 1060 бошга, паррандалар 20,2 минг донага етказилади. 91,5 тонна гўшт, 80 тонна сут, 350 минг дона тухум тайёрланади. 250 тонна сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти, 40 тонна картошка, 180 тонна олма ва узум йиғиштириб олинади.

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани 29 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Барча истеъмолчиларни газ билан узлуксиз ва цухта таъминлашга эришилади. Газ қазиб олиш, қайта ишлаш ва транспорт орқали жўнатишда газ ва конденсат исроф бўлишини камайтириш бўйича муттасил иш олиб борилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 8,7 процент ошишига эришилади. Пландан ташқари 270 миллион кубометр табиий газ, 7 минг тонна конденсат, 350 тонна нефть ишлаб чиқарилади, 15 минг тонна олтингугурт гази олинади.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 7,9 процент оширилади.

Пландан ташқари 300 метр қудуқ қазилади ва буюртмачига пландан ташқари битта қудуқ топширилади.

Транспортнинг барча турлари бўйича юк ташиш йиллик плани 20 декабрда барвақт бажарилади, пландан ташқари 200 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилади. «Сирдарё — Тошкент ГРЭСи» газопроводи қурилиши юзасидан капитал маблағ ўзлаштириш плани барвақт бажарилади ҳамда бу газопроводнинг 80 километрига 1020 мм. диаметрли қувур ётқизилади.

4 та газ қудуғини муддатидан уч ой илгари, шу жумладан, Деңгизқўл — Ҳавзак газ конида учта, Ўртабулоқ газ конида битта газ қудуғи фойдаланишга топширилади. Бунинг ҳисобига қўшимча равишда 850 минг сўмлик маҳсулот олинади.

«Бухорогаз» райони — Тошкент — Фрунзе — Олмаота» магистраль газопроводида компрессор станцияси ва беш минг квадрат-метр уй-жой барвақт фойдаланишга топширилади.

Пландан ташқари 20 километр газ тармоғи ишга туширилади ҳамда 1 минг квартира газлаштирилади.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг цухта ишлашини таъминлаш мақсадида «Муборак — Зирабулоқ» газопроводининг 3 километр узунликдаги участкаси (биринчи тармоғининг диаметри 1000 миллиметр) капитал ремонт қилинади, аҳолига 220 минг сўмлик транспорт-маиший хизмати кўрсатилади. Планга қўшимча 2 миллион сўмлик фойда олинади. Меҳнат унумдорлигининг автомобилларда юк ташишда 2,1 процент, саноатда 3,5 процент, қурилишда 1,5 процент ўсиши таъминланади, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига саноат ишлаб чиқариши ҳажми 74 процент оширилади.

Фойдаланиш коэффициенти юк автомобилларида — 0,70, автобусларда — 0,737, енгил таксиларда — 0,830 гача, юк автомобилларининг ишлаш режими — 10,1 соатгача оширилади.

Шаҳарлараро марказлашган юк ташиш ҳажми — 3,95 миллион тоннагача етказилади. Йўл-йўлакай 410 минг автомобилга юк ортилади. Контейнер, пакет, поддонларда 6,2 миллион тонна юк ташилади. Прицепларда юк ташиш ҳажми 25,8 миллион тоннага кўпайтирилади.

Юк ортиш вақтида автомобилларнинг нормадан ташқари туриб қолиши 1981 йилги даражага нисбатан 0,5 процент камайтирилади.

Бригада пудрати методи билан камида 35 процент юклар ва 25 процент пассажирлар ташилади. Автобусларнинг мунтазам қатнови 88,7 процентгача оширилади.

«СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани 30 декабрда бажарилади. Маҳсулот ҳажми 2,3 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлиги топширқдагига нисбатан 0,5 процент оширилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 70 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Пландан ташқари 650 минг сўм фойда олинади.

СССР 60 йиллиги шарафига маҳсулот реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг икки йили плани 27 декабрда бажарилади ҳамда пландан ташқари 6,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. СССРнинг 60 йиллиги байрами кунигача 50 та бригада ва участка беш йилликнинг икки ярим йили планини бажаришга аҳд қилдилар.

Йиллик планга қўшимча равишда 50 дона пахта териш машинаси, 100 дона сеялка, 200 дона трактор ҳамда 200 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналарига эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Учинчи кварталдан бошлаб ОВХ-28 чанглагич-пуркагич машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва бир йил ичида камида 1000 та машина ишлаб чиқарилади. Кузови ҳажми ошириган 1000 та трактор прицепи тайёрланади, шундан камида 500 донаси 1 сентябргача тайёрлаб берилади. Тор ва кенг қаторларда ишлайдиган икки қаторли универсал пахта териш машиналари ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тайёрланади ва синаб кўрилади, 100 от кучига эга бўлган техника даражаси оширилган узеллар билан жиҳозланган тракторлар ҳужжати ишлаб чиқилиб, тайёрланади ва синовдан ўтказилади.

Янги техника ва технологияни жорий этиш давом эттирилади, 10 автомат, яримавтомат ва механизациялашган поток линияси, шундан механик қайта ишлайдиган иккита автомат линияси, совуқ штамповка қиладиган иккита автомат линияси, (уларга саноат роботлари хизмат кўрсатади), 90 автомат, агрегат ва махсус станоклар, 20 манипулятор ҳамда «Чирчиксельмаш» заводида культиватор узелларини пайвандлайдиган комплекс механизациялашган цех ишга туширилади. Шунинг ҳисобига қўл меҳнати қиссаси 4,2 процент камайтирилади, асосий ишлаб чиқаришда механизация даражаси 85 процентга, юк ортиш-туширши ва транспорт-омбор ишларида 83,5 процентга етказилади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари самарадорлиги оширилади, сарфланган ҳар бир сўмдан пландаги 2 сўм ўрнига камида 2,5 сўм иқтисодий самара олинишига эришилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларининг жорий этилишидан 3,2 миллион сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси муттасил такомиллаштириб борилади, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари сифати яхшиланади. Ишни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада формалари кенг жорий этилиб, уларнинг даражаси 55 процентга етказилади. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий категориядаги сифатли маҳсулот ҳажми 30 процентга етказилади. 3 машина давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади.

Металлкинг ўрнини босадиган ва енгиллаштирилган прокат профилларини қишлоқ хўжалик материаллари конструкцияларида қўлланиш кенгайтирилади. Бирлашма бўйича пластмасса ва полимер материаллари маҳсулотларини қўлланиш 1600 тоннага етказилади, кукунли металлургия методи билан 310 тонна деталь тайёрланади. Металл ва энергияни тежайдиган технологияни жорий қилиш ҳисобига 7500 тонна металл, 17,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 25 минг гига калорий иссиқлик энергияси, 7300 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 7 процент оширилади. 4 хил янги буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Учинчи кварталда Тошкент трактор заводида 30 минг комплект пневмотормоз системаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги қувватлар, ноябрь ойида эса трансмиссия корпусининг 16 минг квадрат-метр саҳнга эга бўлган ишлаб чиқариш майдони ишга туширилади. «Узбексельмаш»нинг ишлаб чиқариш бирлашмасида учинчи кварталда темирчилик пресслаш цехи ишга туширилиши таъминланади.

2750 янги ишчи тайёрланади, 4250 ишчи ва 850 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Техникани қишлоқ хўжалик ишларига тайёрлаш ҳамда сифат-оммавий ишларни яхшилашда қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатилади.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича давлат ва муқобил планлари муддатидан илгари 25 декабрда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани эса 28 декабрда бажарилади. 1981 йилга нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1,7 миллион сўм кўпайтирилади ва пландан ташқари 85 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми 6 процент, меҳнат унумдорлиги 4,7 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ўсишининг 80 процента олинади. Пландан ташқари камида 500 минг сўм фойда олинади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллиги шарафига бирлашмининг 98 процентдан зиёд меҳнатчиси «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зардоб ҳафта» деган меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

Авиасозлар коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигигача асосий маҳсулотлар етказиб бериш тўрт ойлик планини бажаришга сўз беришди.

Ишлаб чиқаришда техника тараққиёти, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлари давом эттирилади. Хусусан, пресслаб парчиклаш ҳажми 52,1 процентга кўтарилади. Пайвандлаш ишларини механизациялаш даражаси 73 процентга, асосий машина ускуналар бўйича смена коэффициенти 1,54 га, рақамли программ бошқарувчи станоклар бўйича 1,80 га етказилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини янада ривожлантириш таъминланади, ишчи бирлашмаларининг камида 72 проценти шу илғор иш усулига жалб этилади.

Бўлинмаларнинг иши сифати коэффициенти 0,884 гача оширилади, биринчи тақдимдаёқ маҳсулот топширилиши 99,1 процентгача етказилади.

Ташкилий-техник тадбирларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, 6300 ходимнинг малакасини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини 17,8 процент қисқартириш ҳисобига асосий маҳсулот етиштириш учун бўладиган меҳнат сарфи 12 процент камайиши таъминланади, асосий маҳсулот вазни 55 килограмм камайишига эришилади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш режаларини жорий қилиш ҳисобига 715 минг сўм миқдорида иқтисодий самара олинади. 590 тонна қора ва рангли металл, 5,4 миллион киловатт-соат электр энергияси, 670 тонна шартли ёқилғи, 160 тонна цемент тежалади.

Капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари йиллик планлари муддатидан илгари, 25 декабргача бажарилади.

Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво муҳитининг чанглиги ва булганишини, шовқин, вибрацияни камайтириш, ёритилишни, температура-намлик режимини яхшилаш ҳисобига бирлашмадаги 1665 ходимнинг, шу жумладан 560 хотин-қизнинг меҳнат шароити яхшиланади.

Камида 1260 аёлнинг уй-жой шароити яхшиланади. «Золотые пески Иссиқкўл» пансионатида В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигигача, «Чиноз» пансионатида июнь ойида, «Кристалл» пансионатида Октябрнинг 65 йиллигигача ётоқ корпуслари фойдаланишга топширилади.

Физкультура оммавий ишларни янада ривожлантириш ҳисобига ГТО нишондорларининг сони 3450 кишига, оммавий разряддаги спортчилар 2400 кишига, 1-разряд спортчилар ҳамда спорт мастерлигига номзодлар 155 кишига, СССР спорт мастерлари 9 кишига етказилади.

УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

СССРнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, халқ хўжалик юкларини жўнатиш йиллик плани 30 декабргача бажарилади ва йил охиригача пландан ташқари камида 300 минг тонна юк жўнатилади.

Ҳаракат составидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда эксплуатация ишлари сифатини ошириш ҳисобига локомотив иш унумининг пландан ташқари 1000 тонна-километр брутто, вагонинг иш унуми 3 минг тонна-километр нетто кўпайишига эришилади.

Темир йўлда юк ортиб—туширши ишлари плани 0,5 процент ошириб бажарилади, юк ташиш маршрутларини белгилаш даражаси юк жўнатиш жами ҳажмининг 50 процентигача етказилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишни, янги техника ва технологияни кенг жорий этаборлиб, меҳнат унумдорлиги топширққа нисбатан 0,1 процент оширилади. Юк ташиш таннархи планга нисбатан 0,1 процент п

СССР 60

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

(Бошы учинчи бетда).

Пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксалтириш тадбирлари амалга оширилади. Тошкент авиация корхонасида ИЛ-86 аэробус самолёти ва Самарқанд авиация корхонасида ЯК-42 самолёти ўзлаштирила бошланади. 8 та янги авиалиния очилади, 4 та авиалинияга ТУ-134 самолётлари хизмат қилиб турадиган бўлади. Техника хизматидаги самолёт мотор паркининг бекор туриши планга нисбатан камида 0,5 процент пасайтирилади. Транспорт самолётларини жўнатиб туриш мунтазамлиги планга нисбатан 1,5 процент юқори бўлишига эришилади. Андижон, Бухоро, Нукус ва Самарқанд аэропортларида учишлари таъминлаб туриш учун янги радиотехник ускуналар ишга солинади ва уларни ишлатиш ўзлаштирилади.

Шартли йиллик иқтисодий самараси камида 900 минг сўмга борадиган, қарийб 600 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Янги техника бўйича йиллик иқтисодий самараси 200 минг сўмдан ошадиган камида 100 та иш бажарилади.

Белгиланган нормага нисбатан 2800 тонна авиация ёқилғиси, 360 минг киловатт-соат электр энергия тежалади.

520 янги ишчи тайёрланади. 2035 ходимнинг малакаси оширилади.

Тошкент ва Термиз авиация корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилади.

«УЗЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани муддатидан аввал — 27 декабрда бажарилади.

Пландан ташқари 800 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 70 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинади.

Меҳнат унумдорлиги 3,4 процент ўсиш таъминланади, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини пландаги 2,5 процент ўрнига 3,4 процент кўпайтириш таъминланади, пландан ташқари 120 минг сўм фойда олинади. Тошкентдаги қўшимча равишда 500 та электр калориферлар, 100 та пайвандлаш трансформатори ва 400 та бошқариш занжири трансформатори ишлаб чиқарилади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига беш йиллик икки йили плани 23 декабрга бажарилади ва пландан ташқари 2 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилинади. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик плани 5 декабрга бажарилади.

Белгиланган топшириқдан ташқари 50 тонна қора металл, 200 минг киловатт-соат электр энергияси, 520 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг техника даражаси, сифати ва пухталиги янада ошириб борилади. Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи 1981 йилдаги 54 процент ўрнига ишлаб чиқариш жами ҳажмининг 60 процентига етказилади.

Шартли йиллик иқтисодий самараси 250 минг сўмга борадиган 82 рационализаторлик таклифи жорий этилади, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1,5 процент пасайтирилади.

Янги техникага доир 23 тадбир, шу жумладан механизациялашган 2 поток линия жорий қилинади. 2 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

145 ишчи тайёрланади, 800 ишчи ҳамда 135 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 570 ходим иқтисодий таълим системасидаги ўқишга жалб қилинади.

101 бригада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш бригада формасига ўтказилади, шу жумладан 42 бригада пировард натижаларга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш формасига ўтиб бўлади. Маҳсулотнинг 57 процента шу бригадалар кучи билан ишлаб чиқарилади.

Бирлашмани социал-иқтисодий ривожлантириш планига мувофиқ, йилига 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган 1900 квадрат метр ишлаб чиқариш майдони ҳамда 150 ўринли ошхона фойдаланишга топширилади.

Ҳосил йиғим-теримида қишлоқ колективларига оталиқ ёрдами кўрсатиш ишлари давом эттирилади.

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 30 декабрда, илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик лойиҳаларини тайёрлаш плани 27 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камида 13,5 процент кўпайиши, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 80 процентдан кўпроғи таъминланади.

Йиллик планга қўшимча равишда СССР темир йўллар министрлиги учун 50 тонна троллейбус сими, 30 километр сигнал-блоклаш кабели ва 100 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлиги плани 0,3 процент ошириб бажарилади. 280 минг сўмлик рангли металл ва бошқа материаллар тежалади. белгиланган топшириқдан ташқари 300 минг киловатт-соат электр энергия, 500 гигакалория иссиқлик тежалади.

Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот миқдори 42 процентга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида унинг салмоғи 57,5 процентга етказилади. Янги техника бўйича йиллик иқтисодий самараси 2,6 миллион сўмга борадиган 25 тадбир жорий этилади.

Автоматик поток линияда телефон кабеллари жиласини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилади, 11 та илғор технологик машина-ускуна фойдаланишга топширилади.

2 хил янги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 0,3 процент камайтирилади.

Камида 750 киши рационализация ишларига жалб қилинади ва рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтироларини жорий этишдан камида 1,05 миллион сўм йиллик самара олинади.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг қурилишлари ва корхоналарига зарур маҳсулотлар комплект равишда ва муддатидан илгари — йилнинг биринчи ярми учун 15 июнгача ва иккинчи ярми учун 15 декабргача етказиб берилади. СССР Энергетика министрлиги, Химия саноати министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг давлат ҳамиятидаги ишга туширилиадиган объектларига ўзилган шартномалар бутун номенклатураси бўйича кабель маҳсулотлар ўз вақтида ва муддатидан илгари етказиб берилиши таъминланади.

«СССРнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги социалистик мусобақа кенг ва юксак ғоявий-сиёсий ҳамда ташкилий даражада давом эттирилиб, мусобақанинг шу шаклига жалб этилган ишчилар сони 2 минг кишига етказилади.

Ишнинг пировард натижаларига қараб ҳак тўланадиган меҳнатни ташкил этиш бригада формаларига ўтилган ишчилар салмоғи 50 процентга етказилади. 300 янги ишчи тайёрланади, 750 ишчи ҳамда 130 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 500 киши иқтисодий таълимга жалб қилинади.

Оталиқдаги «Правда» номли 7-совхозга машина-ускуна ремонти ишларида ёрдам берилади ва пахта теримида 2000 киши куни ишлаб, камида 800 тонна пахта терилади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 27 декабрда бажарилади, ялпи маҳсулот ўсиш плани 1,7 процент ошириб бажарилади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган топшириқ 1,7 процент ошириб бажарилади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун кўпайиши шунинг ҳисобига таъминланади. Планга қўшимча СФОА типида 350 электр шкаф, 735 энергия щити ва панели, 35 минг рўзғор автомати, 55 минг рубильник, 40 минг сақлагич, 21 минг реле ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берган ҳолда камида 5 хил шундай янги маҳсулот ишлаб чиқилади ва пландан ташқари 45 минг сўмлик шундай маҳсулотлар тайёрланади.

СССРнинг 60 йиллигига пландан ташқари 1,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади.

Заводлар ва уларнинг филиалларини ахтисослаштириб боришни давом эттириб, Андижондаги «Электроаппарат» заводида ПКР ва ПСН сериядаги электрошчит қурилмалар ишлаб чиқариш 5 минг донагача, АЕ-1000 типидаги автоматлар ишлаб чиқариш 2750 минг донагача ва Марҳамат электротехника заводида шундай автоматлар ишлаб чиқариш 950 минг донагача етказилади. Бирлашма филиалларида 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Маҳсулот сифати муттасил яхшилаб борилиб, давлат Сифат белгисини олган маҳсулотлар салмоғи жами маҳсулотнинг 38 процентигача етказилади. Янги техника ва технологияга доир 100 тадбир кўп тадбир жорий этилади ва шунинг ҳисобига 1 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара олинади, пландан ташқари 8 минг сўмлик махсус ностандарт машина-ускуналар ишлаб чиқарилади.

Шартли йиллик иқтисодий самараси 620 минг сўмга борадиган камида 284 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади. Биринчи тақдимдаёқ топшириладиган конструкторлик ва технологик ҳужжатлар улуши 91 процентгача етказилади.

Материал, ёнилғи-энергия ресурслари сарфини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилади ва 517 тонна қора металл, 49 тонна рангли металл, 670 минг киловатт-соат электр энергияси, 54 тонна шартли ёқилғи тежалади. Пландан ташқари 5 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилади.

Тузилган шартномалар ва нарядларга мувофиқ барча истеъмолчиларга паст вольтли аппаратлар етказиб берилади.

Бирлашманинг социал-иқтисодий ривожланиш планига мувофиқ «Қўйлиқ» массивида спорт комплекси, «Мечта» пионер лагерида 250 ўринли ошхона фойдаланишга топширилади. Қайроққум сув омборида дам олиш зонасини ўзлаштириш ва ободонлаштириш давом эттирилади.

Пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган меҳнатни ташкил этиш бригада методи билан ишлайдиган колективлар сони асосий ишчилар жами сонининг 37 процентигача етказилади.

680 янги ишчи тайёрланади, 1360 ишчи ва 175 инженер-техник ходим ҳамда хизматчилар малакаси оширилади, камида 1500 киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

«УЗХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 6 процент ўрнига 6,5 процентгача кўпайтирилади. Пландан ташқари 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, унинг техник даражасини юксалтириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги 6,7 процент ўсиши таъминланади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши мана шу омил ҳисобига олинади.

Йиллик топшириқдан ташқари тола ажратувчи 5 та ВТ машинаси, 4 та СБО маркали барабан сушилкалар, ТЛСБ маркали 5 та лентали транспортер, УМПЛ маркали 10 камера линтер машина, Ц-7 маркали 10 та вентилятор, тола ажратувчи машина-ускуналарга 200 минг сўмлик запас қисм ҳамда 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланади. Истеъмолчиларга машина-ускуналар ва запас қисмлар комплект ҳолда бетўхтоб етказилиб туриши таъминланади.

6 хил янги тола ажратувчи машина ишлаб чиқариш, шу жумладан 4 ДП-130 маркали серунум жин машиналар ҳамда 5 ЛП маркали линтер машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 3 хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга қўйилади ва жами ишлаб чиқариш ҳажмида бундай маҳсулот салмоғи 18,6 процентгача етказилади.

Иқтисодий самараси 180 минг сўмга борадиган 45 ташкилий-техник тадбирлар, шу жумладан жин машина колосникларига ишлов берадиган автоматлаштирилган поток линия жорий этилади. Тола ажратувчи машиналар пухталигини ошириш учун 25 хил деталга плазма воситасида металл югуртириш технологияси жорий этилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этишдан камида 150 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, қўл меҳнатини механизациялаш асосида пландан ташқари 20 минг сўм фойда олинади.

220 минг киловатт-соат электр энергия, 40 тонна шартли ёқилғи, 1340 тонна қора ва рангли металл тежалади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш бригада формаларига жалб қилинган ишчилар сони 37 процентга етказилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллиги шарафига Сирдарё областидаги «Фарғона» совхозида янгидан қурилаётган пахта заводи учун пландан ташқари янги ЛХ-2 поток линияси етказиб берилади ва у бўюртмачига ишга тайёр ҳолда топширилади. 2 цех, 5 участка, 7 бригада колективлари ва 230 ишлаб чиқариш илғорлари йиллик планни 1982 йилнинг 20 декабригача бажариш мажбуриятларини олди.

Колективни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ, Урганч шаҳрида бош корхона филиали фойдаланишга топширилади ва унда 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 240 ўринли пионерлар лагери фойдаланишга топширилади. 300 янги ишчи тайёрланади, 430 ишчининг, 200 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 600 киши иқтисодий билим мактабларида ўқитилади.

Ёрдамчи хўжаликлар ривожлантириб борилади, шунинг ҳисобидан бирлашма меҳнаткашларига 5 тонна гўшт ва парранда гўшти, 60 тонна картошка ва сабзавот реализация қилинади.

Сирдарё областининг оталиқдаги Ильич райони тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларига машина-ускуналарни ремонт қилишда, запас қисмлар, асбоб-ускуналар ва бошқа ресурслар билан таъминлашда ёрдам берилади.

«УЗТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 30 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 250 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги пландаги 2,7 процент ўрнига 3 процент кўпайтирилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Топшириқдан ташқари П-76-5М-6 маркали 25 та йигириш машинаси тайёрланади.

Янги техникага доир 36 тадбир бажарилади, шу жумладан «Қаҳандтекстильмаш» заводида гальванид усул билан қоплама югуртириладиган 2 автомат линия жорий этилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этишдан камида 200 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 0,5 процент камайтирилади.

Гагарин порошоқли металлургия заводида 1982 йилнинг биринчи ярмида металл керамикани оксидламай пишириш илғор технологик жараёни жорий этилади. Металл порошокдан яна 20 хил буюм тайёрлаш ўзлаштирилади ва бундай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 120 тоннага етказилади.

Пиллакашлик машина-ускуналари комплексларини ҳамда СПТ маркали станокларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. «ПК-100МЗ» ип йигириш-пишитиш машинаси, «П-76-5М6» маркали ип йигириш машинаси давлат Сифат белгисини олишга қўйилади ва ишлаб чиқариш умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 24 процентга етказилади.

3 хил янги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

500 минг киловатт-соат электр энергия, 600 гигакалория иссиқлик, 100 тонна шартли ёқилғи, 260 тонна қора металл прокати тежалади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш бригада формаларига тортилган ишчилар 40 процентгача етказилади.

Коллективни социал ривожлантириш планига мувофиқ 300 янги ишчи тайёрланади, 700 ишчининг, 90 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 350 киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

Жиззах область Мирзачўл районидаги оталиқдаги партия XXIV съезди номли 21 А совхозининг коллективига машина-ускуналар ва қишлоқ хўжалик техникаси ремонтида материаллар, асбоб-ускуналар билан ёрдам берилади ҳамда кўклам ва кузги дала ишларида кўмаклашилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллиги шарафига 38 участка, 49 бригада коллективи ҳамда 960 ишлаб чиқариш илғорлари беш йиллик икки йили планини 1 декабрга ча бажаради.

«НАВОИАЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 25 декабрга ча бажарилади. Пландан ташқари 4,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, пландан ташқари 75 минг тонна минерал ўғит, 20 минг тонна аммиак, 750 тонна нитрон толаси тайёрланади ва меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари 0,5 процент ошириб бажарилади.

Тежамкорлик режимини янада кучайтириш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига 550 минг сўмлик хом ашё, материал, энергия ресурслари, шу жумладан 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 50 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

Маҳсулот сифатини ошириш ишлари давом эттирилади, — нитрон тола сорт-лилиги 20 процент оширилади, маҳсулотнинг бир тури давлат Сифат белгисини олишга қўйилади.

Бирлашма ишини яхшилаш, атмосферага ва ҳавзаларга зарарли ташландиқлар ўтишини камайтириш учун «К-905» маркали ҳаво компрессори монтаж қилинади ва у фойдаланишга топширилади, аммиак ишлаб чиқаришда суюқ азотни ювиш кабиналари реконструкция қилинади, азот кислота ишлаб чиқаришда замонавий автомат ростлаш системалари жорий этилади, нитрон ишлаб чиқаришда вакуум барабан фильтрлар ўзлаштирилади.

Коллективни социал ривожлантириш программасини бажара бориб, 2600 кишининг малакаси оширилади ва улар иккинчи касбларга ўргатилади. 650 янги ишчи тайёрланади, 4800 киши партия ва комсомол сиёсий ўқишига жалб қилинади.

Ёрдамчи хўжаликларни тузиш ишлари давом эттирилди: қўйлар 900 бошга етказилади, 1000 тонна сабзавот, қовун-тарвуз ва мева етиштирилади, 20 гектар ер мевазор ва токзор қилинади, 200 гектар майдонда озуқа экинлари етиштирилади.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани 30 декабрга ча бажарилади, пландан ташқари 800 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 5 минг тонна аммиак, 40 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Шундан бу йилги ҳосил учун 20 минг тонна ўғит берилади. Пландан ташқари 300 минг сўм фойда олинади.

Қувватларни ўзлаштириш ҳисобига капролактам ишлаб чиқариш 1981 йилга нисбатан 28,5 процент кўпайтирилади.

Меҳнат унумдорлигининг 20,5 процент ўсишига эришилади. Ялпи маҳсулот ўсишининг 95 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан партия қўйган вазифа бажарила бориб, янги техника ва технологияга доир бир йилда 450 минг сўм тежайдиган 18 хил тадбир амалга оширилади.

Иқтисодий самараси 250 минг сўмга борадиган камида 450 рационализаторлик таклифи ва ихтиро жорий этилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайратини моддий ресурсларни тежашга йўллаб, белгиланган нормага нисбатан камида 15 миллион киловатт-соат электр энергия, 5000 гигакалория иссиқлик энергия, 300 тонна шартли ёқилғи, 100 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежалади.

2110 кишининг малакаси оширилади ва улар иккинчи касбларга ўргатилади ҳамда 510 янги ишчи тайёрланади. Бирлашманинг 1900 ходими сиёсий ва иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Коллективни социал ривожлантириш комплекс планини амалга ошира бориб, 6 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 27 декабрга ча бажарилади; маҳсулотлар белгиланган муддатларда ва тўла ҳажмда етказиб берилиши таъминланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш 5 процент кўпайиши таъминланади. Пландан ташқари 400 тонна кир ювиш синтетик воситалари ишлаб чиқарилади, планга қўшимча 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади ва пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат унумдорлиги 4 процент кўпайиши таъминланади, шу билан бирга ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85,7 процента иш унумини ошириш ҳисобига таъминланади. 15 та янги хил буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, 4 хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга қўйилади ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмида бундай маҳсулотнинг салмоғи 10 процент кўпайтирилади.

Бирлашма илмий-тадқиқот қисмининг СССР 60 йиллиги шарафига ишлаб чиққан лойиҳаларига кўра, тажриба базасида жами 2 миллион сўмлик 60 хил янги пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 200 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Илмий-тадқиқот қисми лойиҳаларини жорий этишдан 1 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

664 минг киловатт-соат электр энергия, 300 гигакалория иссиқлик энергияси, 250 минг сўмлик бошқа хом ашё ва материаллар тежалади.

410 янги ишчи тайёрланади, 340 кишининг малакаси оширилади. 120 киши турдош касбларга ўргатилади. 695 киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

Оталиқдаги колхоз ва совхозларга пахта теримида, дағал ем-хашак тайёрлашда ёрдам берилади.

* * *

Ўзбекистон меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада матонат билан ошириб бориб, КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорлари бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда берадилар.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ!

(Бошы биринчи бетда).

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Йиғилиш қатнашчилари бир минут сукут сақлаб, Коммунистик партия, Совет давлатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Совети депутати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Андреевич Суслов нинг хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

Йиғилишда саноат, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарининг 1981 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги иш натижалари ва КПСС XXVI съезднинг, партия Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида 1982 йилги давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Г. Анисимкин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент области партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Қ. Кунназаров, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси М. О. Омонова, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Файзиев, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри Ғ. Н. Насриддинов, Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Фарғона область партия комитетининг секретари С. М. Тиллахўжаев, Андижон ип газлама комбинати партбюросининг секретари Т. Эргашева, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Ҳ. Ҳасанов қатнашдилар.

Докладда ва сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, ўтган йили республика халқ хўжалигидаги барча тармоқларнинг ишлаб чиқариш техника базаси анча ўсди. Ўзбекистон пахтакорлари жуда оғир келган об-ҳаво шароитида давлатга олти миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ана шу ажойиб ғалаба билан Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини самимий табриклади.

Республикадаги қурувчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Улар енгил саноат корхоналарини қуришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев уларни ана шу муваффақиятлар билан самимий муборакбод қилди.

Нотиқлар ўтган йил бажарилган ишларга якун ясаб, қуйидагиларни уқтириб ўтдилар: республикада ўтган йили асосий фондлар, хусусан уларнинг актив қисми — машина ва ускуналар ҳажми анча ошди. Халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари ана шу машина ва ускуналардан қай тарзда фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Ана шу қудратли саноат потенциалининг берадиган самарасини ошириш ғўрисида ғамхўрлик қилиш партия, касаба союз ташкилотлари, министрликлар, идоралар, меҳнат колективларининг, барча меҳнаткашларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Партия XXVI съезди жамоат мулкига тадбиркорлик билан муносабатда бўлиш, мавжуд барча резервлардан тўлиқ фойдалана билиш авваллгидагидек ҳозирда ҳам партия иқтисодий сиёсатининг негизи бўлиб қолади, деб яна бир марта таъкидлади. Аммо баъзи корхоналар, министрликлар, идоралар ҳом ашё, материал, ёқилғи, электр энергиясини тежамкорлик билан сарфлаш тадбирларини ҳануз амалга оширмаётирлар. Бинобарин, тежамкорлик учун кураш кун сайин амалий раҳбарлик қилишни, ташкилотчилик ишлари билан доим шуғулланишни талаб этади.

Янги беш йилликда ва ҳозирги ўн йилликда халқ фаровонлигини юксалтиришнинг кенг программаси илгари сурилди. Бу программа меҳнаткашлар ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Аммо республикада харидоргир молларнинг кўпини ишлаб чиқариш планлари ҳали бажарилмаётир. Партия комитетлари хўжалик раҳбарлари билан биргаликда аҳоли учун мўлжалланган моллари кўпроқ ишлаб чиқариш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини, савдо-сотиқни ташкил этишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур.

Партия социалистик хўжаликни аниқ ва планли бошқариш учун экономикани бошқаришни ичил равишда яхши йўлга қўйишни, хўжалик механизмини такомиллаштириш, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини ўстиришга таъсирини кучайтиришни талаб этмоқда. Жумладан, бригада хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш бу соҳада катта роль ўйнаши керак.

Экономика соҳасида республика олдида турган вазифалар кадрларнинг иноҳий ташаббуси ва юксак ишчанлигини оммаанинг меҳнат ғайрат-шижоати билан, қунт билан олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий иш билан, ҳамма жойда ва ҳамма ишда қатъиқ интизом, план ва мажбуриятларни сўзсиз бажариш билан маҳкам боғлаб олиб боришни талаб этади.

Республикадаги меҳнат колективларида СССР ташкил этилган қуннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олганлиги мамлакатимиз халқларининг ленинча дўстлигини янада кўпроқ мустаҳкамлади. Янги ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келмоқда, 1982 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам негиз яратилмоқда.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари коллективларининг 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллиқдаги социалистик мажбуриятларини қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЖОНАЖОН ВАТАН ЎЙЛАР

● СМОЛЕНСК

«Очиқ хатлар хафталиги» Смоленск шаҳар ижроия қўмитасига жамоат транспорти ишини яхшилашга ёрдам берди. Шаҳар ижроия комитетига кўплаб таклиф ва танқидий мулоҳазалар тушди. Булар юзасидан конкрет чоралар кўрилди: Автобус ва трамвайларнинг ҳаракат жадвали ўзгартирилди, серқатнов жойларда транспорт миқдори кўпайтирилди. Транспорт корхоналарининг ремонт базасини мустаҳкамлашга қарор қилинди. Буларнинг ҳаммаси тезроқ ва яхшироқ хизмат қилиш имконини беради.

● РОСТОВ-ДОН

Дон қишлоқ хўжалик институтининг олимлари билан ижодий иттифоқ Куйбишев районидаги Гречко номли колхозга ҳар қандай шароитда ҳам чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш имконини бермоқда. Колхозчилар олимларнинг тавсияларига мувофиқ жониворларни озиқлантиришнинг кам концентратли типини жорий этиб ҳар йили чорвани планда белгиланганидан яхшироқ семиртиришга ва кўпроқ сут олишга эришмоқдалар. Бу ерда силос ва сомон билан аралаштирилган сабзавотни қайта ишлаш ҳисобига чорва моллари маҳсулдорлиги доимо ошиб бормоқда, ем сарфи камайтирилмоқда. Гречко номли колхоз чорвадорларининг тажрибаси Донда кенг оммалашмоқда.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ҳинд халқининг миллий байрами — Республика куни Ўзбекистонда тантанали равишда нишонланмоқда. Бошланган совет-ҳинд дўстлиги ўн кунлиги ана шу шонли санага бағишланди. Клублар ва маданият саройларида фотовиставкалар ва китоб виставкалари очилди. Кинотеатрларда ҳинд кинофильмлари намойиш қилинмоқда.

Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистондаги ўқув юртларида таълим олаётган ҳинд студентлари ва аспирантлари иштирок этдилар. Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва маданий ҳамкорлик тўғрисида, Ҳиндистон мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлар ҳақида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва Самарқанд область, Советобод районидаги «Улуғ» қорақўлчилик совхози ташкил этилган қуннинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Урол Баратовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер», совхоз тракторчиси ўртоқ Одил Жўраевга «Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатган механизатор», совхоз бош чўпони ўртоқ Нишон Тўхтаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвонлари берилди.

Самарқанд область Советобод районидаги «Улуғ» қорақўлчилик совхози ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва журналист кадрлар тайёрлаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент Олий партия мактаби партия қурилиши кафедраси раҳбарининг ўринбосари, тарих фанлари доктори Лев Александрович Иванова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахр